

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
"ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ  
БОШКАРМАСИ" боплиғи



3.Нодиров

«08\_июль\_2022 й

**БҮЮРТМАЧИ:**

"ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ

Қизириқ тумани “Оқжар” мфй ички хўжалик кўчаларини жорий таъмирлаш ишлари буйича

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Қизириқ -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**  
**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги Бюджет жараёнида фукароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кушимча чора тадбирлар тутрискидаги ПК -5072 сонли карор ижросини таъминлаш максадида Кизирик тумани Окжар маҳалласи ички хужалик йулларини жорий таъмирлаш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган пудратчи ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг бошланғич қиймати –26 231 500 сум (Йигирма олти минг икки юз уттиз бир минг беш юз) сўм кушимча қиймат солик хисобланган холда . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун .

1.5 Ишларни бошлаш муддати шартнома тузилган кундан бошлаб хисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1 "ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ" (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили, Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Кизирик тумани, Работак МФЙ

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов " ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШКАРМАСИ" биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, машина механизимлар ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукукий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов обьектига ўхшаш обьектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиши ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

Техник Топширик

Энг яхши таклифни танлаб олишнинг маълумот жадвали

Ушбу булимда танлов предмеди биланбоглик аник коидалар, шунингдек танлов хужжатларининг талаблари хакида маълумот келтирилган

№	Булинма номи	Булимлар учун тушунтиришлар
1	Буюртмачи	Қизириқ туман Ободонлаштириш бошқармаси
2	Объект номи:	<b>Қизириқ туман Оқкар маҳалласи худудидаги ички хўжалик йўлларини лойихалаш</b>
3	Танлов раками	<a href="https://etender,uzex,uz/">https://etender,uzex,uz/</a> веб сайтида эълон килинган
4	Мижознинг манзили ва реквизитлари	Сурхондарё вилояти Қизириқ туман Работак мах Шхв 401722860222157045204110004 Марказий
5	Алока учун шахс :	Бошлиқ Нодиров Зоир тел +998 91 578 44 55
6	Танлов эълонлари эълон килинди	Maxs/c маълумот портали <a href="https://etender,uzex,uz/">https://etender,uzex,uz/</a>
7	Иштирокчилар танловда иштирок этишлапига руҳсат этилади	Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик
8	Лицензияланган иш турлари	Лицензия ёки гувохнома талаб килинади
9	Танлов таклифини амал килиш муддати	танлов таклифлари тугаган кундан бошлаб камида 3 кун
10	Танлов таклифларини кабул килиш	техник кисимда иштирокчининг барча керакли хужжатлари нарх кисми ва таклиф килинган нархнинг дастлабки хисоб китоби булиши керак Агар иштирокчи томонидан талаб килинган хужжатларнинг барчаси тақдим этилмаса танлашдан четлаштирилади. Тақдим этилган хужжатларни хакиқийлиги буйича ИШТИРОКЧИ шахсан жавобгардир
11	Тижорат таклифи тақдим этиш шартлари	1. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати 2. Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (Курилиш соҳасидаги камида 2 йиллик тажкибага ега булиши) 3. Охирги 3 йилдаги молиявий-натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ва молиявий ҳисоботлар). Танлаш иштирокчисининг салоҳияти 4. Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 10 % гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (банқдан маълумотнома) 5. Танлаш иштирокчисининг иш ҳақи ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари Давлат Солик инспекциясидан маълумотнома (камида 20 киши) 6. Танлаш иштирокчиси ишчи-ҳодимларининг этарли даражадаги малакага эга булиши ва ишлайдиган мутахассислиги буйича олий маълумотга эгалиги ҳақидаги хужжатлар. 7. Танлашдаги объектга ўхшащ объектларда охирги 3 йилдаги иш тажрибаси (бажарилган ишларнинг шартнома ва хисоб-варак фактуралари илова килинган холда) 8. Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизmlари рўйхати 9. Курилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома
12	Тижорат таклифи тақдим этишининг күшимча шартлари	1. Курилишни бажариш буюртманомаси. 2. Объектнинг қурилиш ишларини бажариш графиги. 3. Объект қурилишини молиялаштириш графиги. 4. Объектнинг жамланма жадвали. 5. Ноҳалол етказиб берувчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумотнома 6. Банкротлик рўйхатида мавжӯд эмаслиги тугрисида маълумотнома. 7. Солик карздорлиги мавжӯд эмаслиги тугрисида солиштирма далолатнома хамда Давлат Солик инспекциясидан маълумотнома 8. Банк кафиллиги хамда Кредит карздорлиги йўклиги тугрисида маълумотнома
13	Таклифларни тақдим этиш	Узбекистон Республикаси конунларида курсатилган асосан электрон равишда буюртмачига юборади
14	Танлов таклифларини баҳолаш	Танлов таклифларини баҳолаш муддати танлов таклифларини кабул килиш тугаган кундан бошлаб 5
15	Шартномани бажариш учун ҳафсизлик	Олдиндан тулов 30% аванс сифатида, колган 70% барча шартномавий мажбуриятлар бажарилганидан кейин
16	объектнинг бошланғич нархи:	ККС билан 26231527 сум.
17	Танлов тили	Узбек тили
18	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблаглар хисобидан
19	Шартнома валютаси	Сум



Бошлиқ

Хисобчи

З.Нодиров

Ў.Мусурмонов